



## ОТЛАРНИНГ ГЕЛЬМИНТОЗ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ТАРҚАЛИШИ ВА ДАВОЛАШ ЧОРАЛАРИ

Хақбердиев П.С.<sup>1</sup>, Гойипова М.<sup>2</sup>

<sup>1</sup>Самарқанд давлат

ветеринария, чорвачилик

ва биотехнологиялар университети,

<sup>2</sup>Самарқанд давлат ветеринария,

чорвачилик ва биотехнологиялар

университетининг Тошкент филиали

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6529169>

### MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 01-may 2022

Ma'qullandi: 10-may 2022

Chop etildi: 14-may 2022

### KALIT SO'ZLAR

Цестод, онкосфера,  
тухум, нематод,  
Strongylata, Strongylus  
(Delafondia) vulgaris,  
Strongylus (Alfortia)  
edentates, Strongylus  
(Strongylus) equines,  
Trichonema, личинка,  
тухум, туллаш,  
геогельминт,  
паллиатив,  
гельминтсизлантириш.

### ANNOTATSIYA

Мақолада отларнинг гельминтоз касалликлари билан зарарланиш даражасини Республикаимизнинг Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё ва Навоий вилоятлари ҳудудларида жойлашган аҳолининг шахсий отларидан келтирилган тезак намуналарини текшириш натижалари келтирилган бўлиб, унда отларнинг аноплоцефалидоз (аноплоцефалёз ва параноплоцефалёз), параскаридоз ва ичак стронгилятоз (делафондиоз, альфортиоз, стронгилёз ва трихонематоз) касалликлари билан зарарланиши ўрта ҳисобда 54,17%-ни ташкил этиб, цестодлар 16,78%, ва нематодлар 37,5%, жумладан параскаридозлар 18,75% ва ичак стронгилятлари 18,75% ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сон Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 28 мартдаги ПФ 5696-сон «Ветеринария чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2019 йил 28 мартдаги ПҚ 4254-сон «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ва 2020 йил 29 январдаги ПҚ 4576-

сонли «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Бироқ, чорва молларини бош сонини кўпайтиришда бошқа касалликлар қатори отларнинг гельминтозлари, айниқса аноплоцефалидоз, параскаридоз ва ичак стронгилятозлари (делафондиоз, альфортиоз, стронгилёз,



трехонематоз) каби касалликлар ҳам маълум даражада тўсқинлик қилмоқда.

Отларнинг аноптоцефалидоз, параскаридоз ва ичак стронгилятозлари (делафондиоз, альфортиоз, стронгилёз, трехонематоз) касалликлари Республикамизнинг барча туман ва вилоятларида учрайди. Жумладан, Республикамизнинг Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий, Бухоро вилоятларида текширувдан ўтказилган отларнинг ўртача 46-50% ва параскаридоз, 58-65% ичак стронгилятозлари ва 12-15%-иноптоцефалидозга чалинганлиги аниқланган.

Шуларни инobatга олиб бизлар отларнинг ичак цестодозлари, параскаридоз ва ичак стронгилятоз касалликларни тарқалиш даражасини Республикамизнинг Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий вилоятларида ўрганиб чиқишни ўз олдимизга мақсад қилдик.

### Материаллар ва методлар.

Тадқиқот ишларимиз Республикамизнинг Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё ва Навоий вилоятлари ҳудудидаги аҳолининг

шахсий отларидан келтирилган тезак намуналарини Фюллеборн, Берман-Орлов усулларида текшириб, отларнинг зарарланиш даражаси аниқланди ва таҳлил қилинди. Жами юқорида кўрсатилган вилоятлардан 48 та намуна келтирилиб текширувдан ўтказилди.

**Натижалар ва уларнинг тахлили.** Отларнинг аноптоцефалидоз (аноптоцефалёз ва параноптоцефалёз), параскаридоз ва ичак стронгилятозлари (делафондиоз, альфортиоз, стронгилёз, трехонематоз) касалликлари билан зарарланиш даражасини ўрганиш натижалари №1 жадвалда келтирилган. Самарқанд вилояти ҳудудида жойлашган аҳолининг 11 бош отларидан келтирилган тезак намунасини текширувдан ўтказганимизда 7 бошида гельминтлар тухумлари топилди, яъни зарарланиш даражаси 63,6%-ни ташкил қилди. Жумладан 2 бош от тезак намунасида *Anoplocephala magna*, бир бош от тезак намунасида *Paranoplocephala mamillana* тухумлари топилган бўлса, 2-бошида параскарид тухумлари топилди.

### Текширувдан ўтказилган отларнинг гельминтлар билан зарарланиш даражаси

1-жадвал

Т/р	Вилоятлар	Текширувдан ўтказилган отлар сони	Зарарланган отлар бош сони	Шундан Зарарланиш даражаси %						
				Аноптоцефалёз	Параноптоцефалёз	Параскаридоз	Делафондиоз	Альфортиоз	Стронгилёз	Трихонематоз



1.	Самарқанд	11	7	2	1	2	2	-	-	-	63,6
2.	Жиззах	9	5	1	-	2	1	-	-	1	55,5
3.	Қашқадарё	13	7	1	1	3	1	1	-	-	53,8
4.	Сурхондарё	8	4	1	-	1	-	1	-	1	50,0
5.	Навоий	7	3	-	1	1	-	-	-	1	42,8
	<b>Жами:</b>	<b>48</b>	<b>26</b>	<b>5</b>	<b>3</b>	<b>9</b>	<b>4</b>	<b>2</b>	<b>-</b>	<b>3</b>	<b>54,17</b>

2 бош отларнинг тезак намунасида ичак стронгилят тухумлари топилди. Топилган тухумларни қайси стронгилят тухумлари эканлигини аниқлаш мақсадида, тезак намунасидаги тухумлар 48-соат давомида термостатда 37-38°C-да ўстирилиб, сўнгра ҳосил бўлган личинкалардаги ичак хужайраларнинг сонига қараб аниқ диагноз қўйилди. Бунда 2 бош от тезагида *Strongylus (Delafondia) vulgaris*-нинг личинкалари, қолган *Strongylus* ва *Trichonema* авловдларига мансуб паразитларнинг тухумлари ва личинкалари (*Strongylus (Alfortia) edentates*, *Strongylus (Strongylus) equines* ва *Trichonema*) топилмади. Инвазиянинг интенсивлик даражаси микроскопнинг ҳар бир кўриш майдончасида 3-7 нусхани ташкил қилди.

Жиззах вилояти ҳудудида жойлашган аҳолининг 9 бош отларидан келтирилган тезак намунасини текширувдан ўтказганимизда 5 бошида гельминтлар тухумлари топилди, яъни зарарланиш даражаси 55,5%-ни ташкил қилди. Жумладан 2 бош от тезак намунасида параскарид тухумлари топилган бўлса, 1 бош отларнинг тезак намунасида *Anoplocephala perfoliata* ва 2 бош отнинг тезак намунасида ичак стронгилят (бир бошида *Strongylus (Delafondia) vulgaris* ва бир бошида

*Trichonema*) тухумлари топилди. Инвазиянинг интенсивлик даражаси микроскопнинг ҳар бир кўриш майдончасида 3-8 нусхани ташкил қилди.

Қашқадарё вилояти ҳудудида жойлашган аҳолининг 13 бош отларидан келтирилган тезак намунасини текширувдан ўтказганимизда 7 бошида гельминтлар тухумлари топилди, яъни зарарланиш даражаси 53,8%-ни ташкил қилди. Жумладан, бир бош от тезак намунасида *Anoplocephala magna*, бош от тезак намунасида *Paranoplocephala mamillana* тухумлари, 3 бош от тезак намунасида *Parascaris equorum* тухумлари топилган бўлса, 2 бош отларнинг тезак намунасида ичак стронгилят (*Strongylus (Delafondia) vulgaris* ва *Strongylus (Alfortia) edentates*) тухумлари топилди. Инвазиянинг интенсивлик даражаси микроскопнинг ҳар бир кўриш майдончасида 2-5 нусхани ташкил қилди.

Сурхондарё вилояти ҳудудида жойлашган аҳолининг 8 бош отларидан келтирилган тезак намунасини текширувдан ўтказганимизда 4 бошида гельминтлар тухумлари топилди, яъни зарарланиш даражаси 50,0%-ни ташкил қилди. Жумладан, 1 бош от тезак намунасида *Anoplocephala magna*, бир бош от тезак намунасида *Parascaris equorum* тухумлари топилган бўлса, бир



бош отнинг тезак намунасида *Strongylus* (*Alfotria*) *edentates*) ва бир бош от тезак намунасида *Trichonema* тухумлари топилди. Инвазиянинг интенсивлик даражаси микроскопнинг ҳар бир кўриш майдончасида 5-9 нусхани ташкил қилди.

Навоий вилояти ҳудудида жойлашган аҳолининг 7 бош отларидан келтирилган тезак намунасини текширувдан ўтказилганимизда 3 бошида гельминтлар тухумлари топилди, яъни зарарланиш даражаси 42,8%-ни ташкил қилди. Жумладан 1-бошида *Paranoplocephala tamillana*, бир бошида параскарид ва бир бошида *Trichonema* тухумлари топилди. Инвазиянинг интенсивлик даражаси микроскопнинг ҳар бир кўриш майдончасида 5-9 нусхани ташкил қилди.

Шундай қилиб, текширувдан ўтказилган 48 бош отларнинг тезак намуналаридан 26 бошида гельминт тухумлари топилди, яъни зарарланиш даражаси 54,17%-ни ташкил қилди. Жумладан, 5 бош (10,42%) отларнинг тезак намунасида анопловефала, уч бош (6,25%) отларнинг тезак намунасида *Paranoplocephala tamillana* тухумлари топилди, яъни отларни цестодлар билан зарарланиш даражаси ўртача 16,67% ташкил қилди, 9 бош (18,75%) отларнинг тезак намунасида *Parascaris equorum* тухумлари топилган бўлса, 4 бош (8,3%) отларнинг тезак намунасида *Strongylus* (*Delofondia*) *vulgaris* тухумлари, 2 бошида (4,2%) *Strongylus* (*Alfotria*) *edentates* тухумлари, 3 бошида (6,25%) *Trichonema* тухумлари топилди, яъни отларни ичак стронгилятлари билан ўртача зарарланиш даражаси 18,75% га тенг

бўлди. Инвазиянинг интенсивлик даражаси ўрта ҳисобда микроскопнинг ҳар бир кўриш майдончасида 5-7 нусхани ташкил қилди.

Тадқиқотларимизнинг иккичи қисми эса цестод ва нематод билан табиий зарарланган отларга, яъни юқорида текширувдан ўтказилган 48 бош отлардан 26 боши зарарланганлигини аниқлаган эдик, фенбендазол ва тетраимизол 20%-ли гранулят препаратлари синаб кўрилди. Юқорида кўрсатилган 26 бош зарарланган отлар шартли равишда 3-гуруҳга бўлинди:

Биринчи гуруҳдаги 5 бош отларга фенбендазол препарати 15 мг/кг тана оғирлиги ҳисобида емга қўшиб берилди.

Иккинчи гуруҳдаги 6 бош отларга (фақат параскаридлар билан зарарланган) тетраимизол 20%-ли гранулят препарати 20 мг/кг миқдорда оғиз орқали емга қўшиб берилди.

Учинчи гуруҳдаги 6 бош отларга (фақат ичак стронгилятлари билан зарарланган) тетраимизол 20%-ли гранулят 40 мг/кг миқдорда оғиз орқали емга қўшиб берилди.

Тўртинчи гуруҳдаги 9 бош зарарланган отларга антгельминтиклар берилмади ва назорат сифатида фойдаланилди.

Антгельминтикларни беришдан бир ҳафта ўтгач, ҳайвонлардан тезак намунаси олиб, Фюллеборн ва Берман-Орлов усуллари билан текширувдан ўтказилди.

Текшириш натижаси шуни кўрсатдики, фенбендазол қабул қилинган отларнинг барчаси цестодлардан тўлиқ озод бўлишди, Препаратнинг экстенсив - ва интенсив самарадорлиги 100 фоизни ташкил



қилди. 3 бош цестодлар билан табиий зарарланган отларнинг (назорат гуруҳи) тезак намунасида паразитларнинг тухумлари топилди.

Иккинчи гуруҳидаги тетраметизол 20%-ли гранулят (20 мг/кг дозада) қабул қилинган 6 бош отларнинг (фақат бир боши) тезак намунасида параскарид тухумлари, микроскопнинг ҳар бир кўриш майдончасида 1-2 нусхадан, топилди. Препаратнинг экстенсив самарадорлиги 83,3 фоизга тенг бўлди.

Учинчи гуруҳидаги тетраметизол 20%-ли гранулят (40 мг/кг дозада) қабул қилинган 6 бош отларнинг тезак намунасида ичак стронгилят тухумлари **Хулоса.** Олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келдик:

- Отларнинг гельминтоз касалликлари Республикамизда кенг тарқалган инвазион-паразитар касалликлардан бўлиб, йилқичилик соҳасида катта иқтисодий зарар етказиб келинмоқда;

- Текширувдан ўтказилган отларнинг аноплцефалидозлар билан 16,67%, параскаридоз билан 18,75% ва ичак стронгилятозлари билан зарарланиш даражаси 18,75%, ташкил қилди.

- Бизнинг текширувларимизда отларнинг аноплцефалидоз,

топилмади. Препаратнинг экстенсив самарадорлиги 100 фоизга тенг бўлди. Назорат гуруҳидаги 6 бош отларнинг (параскарид ва ичак стронгилятлари билан табиий зарарланган) тезак намунаси текширилганда, микроскопнинг ҳар бир кўриш майдончасида 5-7 нусхадан от 8-9 нусхагача паразит тухумлари топилди. Назорат гуруҳидаги 9 бош отларга ҳам (3-боши цестодлар билан, 3 боши параскарид билан ва 3 боши ичак стронгилятлари билан табиий зарарланган эди) тетраметизол 20%-ли гранулят препарати 40 мг/кг миқдорда бериб гельминтсизлантирилди. параскаридоз

ва ичак стронгилятоз касалликларининг улуши (54,17%) анча катта бўлиб, уларнинг ичида нематодалар (параскаридлар ва ичак стронгилятлари биргаликда) 37,5%) етакчи ўринни эгаллади.

- Цестод ва нематодлар билан табиий зарарланган отларга синаб кўрилган фенбендазол ва тетраметизол 20%-ли гранулят препаратлари 100 фоизлик натижа берди, бироқ тетраметизол 20%-ли гранулят препаратининг 20 мг/кг миқдордаги дозаси параскаридлар учун етарли эмаслигини кўрсатди.

### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. К.И.Абуладзе Паразитология и инвазионные болезни сельскохозяйственных животных/ Москва ВО Агропромиздат, 1990.
2. Иргашев И.Х., Абдурахмонов Т.А. Чорва молларнинг гельминтоз касалликлари/ Тошкент "Меҳнат" нашриёти, 1992 йил.
3. Ҳақбердиев П.С. ва бошқалар/ «Паразитология» фанидан лаборатория топшириқларини бажариш бўйича услубий кўрсатма/ Самарқанд, 2009 йил.



4. Ҳақбердиев П.С. «Паразитология» фанидан амалий машғулотлар бўйича услубий қўлланма, Самарқанд, 2010 йил.
5. Ҳақбердиев П.С., Қурбонов Ш.Х. Паразитология фанидан амалий ва лаборатория машғулотлари. Ўқув қўлланма, Тошкент, 2015 йил.